

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА
ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРИСТЕТИ

“МОЛИЯ”
КАФЕДРАСИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК: 305.4

ҚУРБОНОВ ХУРШИД УРАЛОВИЧ

ХАЛҚАРО ПУЛ ЮВИШ ОПЕРАЦИЯЛАРИГА ҚАРШИ
КУРАШИШНИНГ МОЛИЯВИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИНИ
ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА АМАЛИЁТГА ТАДБИҚ ЭТИШ
ИСТИҚБОЛЛАРИ

70410401- “Давлат молияси ва халқаро молия”


Мутахассислиги бўйича магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган


ДИССЕРТАЦИЯ

Тошкент-2023


Магистрлик диссертация иши “Молия” кафедрасида дастлабки ҳимоядан ўтган.

17 -сонли баённома “ 25 ” aprel 2023 й.

Кафедра мудири и.ф.д., проф. Худойкулов Х.Х.  “ ___ ” « ___ »

Илмий раҳбар: и.ф.н., доц. Имомов Х.Х.  “ ___ ” « ___ »

Магистр: Курбонов Х.У.

 “ ___ ” « ___ »

Диссертация Молия ва бухгалтерия ҳисоби факултети 2023 йил 30.05.
№ МБФ-01/23 рақами билан рўйхатга олинади.

АННОТАЦИЯ

Глобаллашув жараёнида нафақат миллий иқтисодиётда балки жаҳон иқтисодиётига катта хавф солувчи халқаро пул ювиш операцияларига қарши курашиш ҳар қачонгиданда долзарб аҳамият касб этмоқда. Илмий тадқиқот доирасида бу мавзуда мавжуд маҳаллий ҳамда халқаро адабиётларни, стандартларни, тавсиявий йўриқномаларни, жумладан, ривожланган мамлакатлар тажрибаларини кенг қамровда ўрганиб чиқдик. Илмий ишнинг амалий аҳамиятини ошириш учун бир қатор ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодиётида пул ювиш операцияларининг улуши ва уларнинг ЯММ ва ЯИМ га етказган зарарлари, бунинг сабаблари ва оқибатларини таҳлил қилдик. Шу билан бирга, халқаро пул ювиш операцияларини олдини олиш, уларга қарши курашиш, “пул ювувчи” ларни аниқлаш ва фаолиятига чек қўйиш масалалари, бу соҳада амалиётда мавжуд муаммолар ва уларнинг самарали ечимлари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқдик. Илмий тадқиқот доирасида берилаётган таклиф ва тавсияларнинг илмий янгилиги ҳамда натижадорлигини кенг таҳлил қилдик.

Калит сўзлар: *халқаро пул ювиш операциялари, молиявий назорат, валюта, ташиқи савдо, ФАТФ, data-mining, ЖСТ, Financial Intelligence Units, молиявий таҳлил.*

ANNOTATION

In the process of globalization, the fight against international money laundering operations, which pose a great threat not only to the national economy, but also to the world economy, has become more relevant than ever. Within the framework of the scientific research, we have studied the existing domestic and international literature, standards, recommendations, including the experiences of developed countries in a wide range. In order to increase the practical importance of scientific work, we analyzed the share of money laundering operas in the economies of a number of developed and developing countries and their damage to GDP, the causes and consequences of this. At the same time, we have developed proposals and recommendations on the issues of preventing, combating international money laundering operas, identifying and ending the activities of "money launderers", existing problems in practice in this area and their effective solutions. We have extensively analyzed the scientific novelty and the effectiveness of the proposals and recommendations made within the framework of scientific research.

Keywords: *international money laundering operations, financial control, currency, foreign trade, FATF, data mining, WTO, Financial Intelligence Units, financial analysis.*

МУНДАРИЖА

Аннотация	3
Мундарижа	5
Келтирилган жадваллар рўйхати	7
Келтирилган расмлар рўйхати	8
Келтирилган қисқартмалар	9
I БОБ. КИРИШ	11
1.1. Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги	11
1.2. Тадқиқот мақсади ва вазифалари	12
1.3. Тадқиқотнинг асосий муаммолари ва саволлари	13
1.4. Тадқиқот объекти ва предмети	14
1.5. Тадқиқот натижаларининг илмий-назарий ва амалий аҳамияти	14
1.6. Диссертация таркибининг қисқача тавсифи	15
II БОБ. АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ	17
2.1. Кириш	17
2.2. Мавзуга оид илмий-назарий қарашлар шарҳи	17
2.3. Мавзуга оид маҳаллий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар шарҳи	23
2.4. Хулоса	32
III БОБ. МЕТОДОЛОГИЯ	33
3.1. Тадқиқот дизайни	33
3.2. Маълумотларни тўплаш жараёни	33
3.3. Таҳлил учун қўлланиладиган усуллар	34

3.4	Тадқиқотни ўтказиш учун зарур шароитлар	34
3.5	Тадқиқот жараёнида кутилаётган муаммолар ва уларнинг ечими ...	35
3.6	Тадқиқотдан кутилаётган илмий ва амалий натижалар	35
IV БОБ. ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР		37
4.1.	Хорижий мамлакатлар иқтисодиётида халқаро пул ювиш операциялари, уларнинг сабаблари ва оқибатлари таҳлили.....	37
4.2.	ФАТФ – Молиявий тадбирлар бўйича ишчи гуруҳнинг жаҳон иқтисодиётида амалга оширилган халқаро пул ювиш операциялари бўйича ҳисоботлари таҳлили	53
4.3.	Таҳлиллардан олинган натижалар шарҳи	59
V БОБ. ХУЛОСА		61
5.1.	Тадқиқот саволига тегишли натижаларнинг қисқача ифодаси	61
5.2.	Тадқиқотнинг асосий таклиф ва тавсиялари	63
5.3.	Тадқиқот чекловлари ва келгуси тадқиқотлар учун таклифлар	66
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ		67
ИЛОВАЛАР		70

І БОБ. КИРИШ

“Рақамлаштиришни қилмасак, коррупцияни йўқ қила олмаймиз. Энг катта нарса – рақамлаштириш. Пулларни иқтисод қилиб, одамларнинг манфаатдорлигини ошираверсак, жамият ўзгаради. Сифат, муддат ва адолат! Коррупциядан холи тармоқ қилиш керак”, дея таъкидлайди 29 май 2021 йилдаги нутқида давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев. Албатта, ҳозирги кунда иқтисодиётни ривожлантириш ва барқарор ўсишни мақсад қилар эканмиз бу борада батамом шаффоф тизим яратишимиз ҳамда халқаро пул операцияларини назорат қилувчи адолатли ва шаффоф механизмни ишлаб чиқишимиз ҳар қачонгиданда зарур.

Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви ҳар бир миллий иқтисодий тизим бошқалар билан чамбарчас боғлиқ бўлган замонавий иқтисодий ҳамжамиятни яратишга ёрдам берди. Мамлакат иқтисодиётидаги муаммолар бошқа давлатлар иқтисодиётида ва умуман иқтисодий жиҳатдан ҳалокатли оқибатларга олиб келиши мумкин.

Шу билан бирга, жаҳон амалиёти шуни кўрсатадики, иқтисодий ривожланишнинг инновацион модели, ҳар қандай мамлакатнинг жаҳон иқтисодиётига самарали интеграциялашуви учун қулай шарт-шароитларни шакллантириш, ташқи иқтисодий фаолият кўлами, характери ва шаклларининг ўзгариши молиявий сиёсат воситаларидан оқилона фойдаланиш билан узвий боғлиқдир.

Ҳозирги кунда дунё ақлли ва ахборот-коммуникация технологиялари орқали кундан-кунга кичрайиб бормоқда. Интернет одамлар ўртасидаги алоқа нархини анча камайтирди. Офлайн оғзаки мулоқотни тўлдирадиган онлайн истеъмолчиларни кўриб чиқиш платформалари энди истеъмолчиларга маҳсулот сифати тўғрисида муҳим маълумот манбаи ҳисобланади. Бинобарин, дунёнинг аксарият мамлакатлари самарасиз ва оғир халқаро савдо жараёнлари бўлган шароитда тез иқтисодий ўсишга еришиб бўлмаслигини тушунишди. Халқаро савдони модернизация қилишда катта ўзгаришлар ва янгиликлар амалга оширилди.